БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 4 май Жума

№ 85. (13.521). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Байналмилал жангчи номли боғ

Деҳқонга ҳам навбат келди: озми-кўпми ерли бўляпти. Қарши ноҳиясидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалиги ёшлари ҳам енг шимаришган: ўн гектар ерда боғ барпо этиб, унга афғонда ҳалок бўлган жангчи Ўктам Усмонов номи берилди. Шу кунларда хўжаликда пахта майдонларини қисқартириб, кишиларга томорқа ажратиш ишлари авжида. Ҳозиргача 170 гектарга яқин пахта майдони деҳқонларга бўлиб берилди.

Суратларда: (чапдан ўнгга) комсомол аъзолари Тўйчи Ҳусанов, Фахриддин ва Шавкат Эргашевлар ҳамда Имомназар Баратов.

Суратчи: Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ).

Душанбадан шанбагача

Деҳқон эрки

Бир бувани билардим.

— Деҳқончиликнинг орқасидан очарчилик йилларида ҳам қийналмаганман, — дер эди у. — Баҳор, ёз-у куз қир-адирга чиқиб, буғдой, арпа, қовун-тарвуз — ерда нимаики унса, ҳаммасини экканман, болам. Давлатти ҳам планини тўлғазганман, бева-бечораларнинг ҳам ҳақларини унутган эмасман. Бола-чақамни-ку, айтмай қўя қолай. Ернинг тилини билсанг, у сени ҳеч оғринмай боқаверади.

Шу буванинг тўрт сўтих томорқаси бор эди. Ҳар йили ундан уч-тўрт тонна ҳосил олар, ўзига тўқ, бадавлат яшарди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача томорқада меҳнат қилиб, ризқрўзини топиб, ҳалол еб-ичиб юрди.

Ўтган йили вилоятлардан бирида бўлиб, катта бир жамоа хўжалигининг аъзоси билан суҳбатлашиб қолдик. Ўн беш сўтих томорқаси бор экан. Ҳар йили у ердан бир, бир ярим тонна ҳосил оларкан. Кўнглимизга келган гапни унга айтдик.

— Биз деҳқонмизми?! — деди у оғрингандай бўлиб. — Эрталаб далага келгач, бригаднинг буйруғини бажаришни ўйлаймиз, холос. Хаёлда эса уй-рўзғор ташвиши. Ерни, далани қўя тур, болам, ҳозир ҳамма ўзини ўйлайди. Менга ўхшаганлар эса аллақачон деҳқончиликни унутиб юборишган.

Икки деҳқон, икки хил манзара. Ўртадаги фарқ ер билан осмонча. Нега бугунги деҳқон ердан кам ҳосил олади? Айб нимада? Катта-катта ва беҳисоб режалар занжирига ўралашиб қолган жамоа ва давлат хўжаликлари уларни деҳқончилик сир-асрорларидан маҳрум этмадимикин?! Ўтмиш хатоликларини сарҳисоб этсак, калаванинг учи ана шу нуқтага келиб тақалаверади. Рақамларга эътибор берайлик. Мамлакатимиз бўйича 26 минг жамоа хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг учдан икки қисми қарзга ботган. Ўз фуқароларини боқишга қурбилари етмайди.

«Ҳар гал автобусга чиққанимда, — деб ёзади Балиқчи ноҳиясидан О. Эргашев, — **йўловчиларга разм соламан. Юзларда сўлғинлик, маъюслик, асабийлик аломатлари....»**

Турмушдаги номутаносибликлар одамларни қийнаб қўймоқда. Ҳар бир жон, ҳар бир оиланинг аъзоси эртадан-кечгача топиш-тутиш ташвишида яшайди. Яхши яшаш — кўнгил тилаги. Лекин бу тилак ҳамиша ҳам қондирилавермайди. Муҳтожлик кишини ҳар қандай кўйга солиши, уни инсонийликдан маҳрум этиши ҳам ҳеч гап эмас. О. Эргашев ҳам шунинг учун куйинади. Халқ дарди — унинг дарди. Халқ бахтли бўлолмас экан, у ҳам истаганидай яшолмайди.

Холмўмин Норматовнинг қишлоқ муаммолари тўғрисида билдирган фикрларига тўлиқ қўшиламиз. Қишлоқ яшаши керак. Қишлоқ — тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик дегани. **«Фақат бир бурда нонимизнинг бутунлигини-ю, хонадонларимизни чароғон этиб турган электр чироқларини ва қисман бўлса-да, йўлларнинг асфальтлаштирилганини ҳисобга олмаганда, қишлоқларимизда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ».** Рост. Қишлоқларимиз замонадан ортда қолди. Ҳар томонлама. Айни пайтда аҳолининг 41 фоизида сигир, 62 фоизида қўй-эчкилар йўқ. Қишлоқда яшасанг-у сут-қатиққа зор бўлсанг. Қийинми? Қийин, албатта!

Қишлоқ муаммолари тўғрисида катта минбарлардан катта гаплар айтилди, айтиляпти. 70 йилдан буён тузалмаётган яраларимиз энди битиб кетса, ажаб эмас. Ўшанда олтинсойлик Холмўмин Норматовларга ўхшаганларнинг оғриниб, куйиниб «Қишлоқдошларига мактублар» битиб юришларига ҳожат қолмайди.

Она табиатни авайлаб-асраш тўғрисида битилган мактублар деярли ҳар куни келиб туради. Буни тушунса бўлади. Инсон яшайдиган замин гўзал, ҳавоси мусаффо бўлиши керак. Ҳамма шуни истайди. Аммо биз ҳар томонлама жабр чекяпмиз. Бир пайтлар қишлоқларга туташ қир-адирларда, боғ-роғларда турли хил паррандалар, қуён-у тулкилар кўп бўларди. Ҳозир уларни фақат «Ҳайвонот боғларида» учратиш мумкин. Ана шундай: ҳаттоки биз гўзалликдан ҳам маҳруммиз.

Муштарийларимизнинг биридан чувалчанглар ҳақида ёзилган мактуб олдик. Мақолага кўзи тушган бир киши: «Чувалчанглар ҳақида ҳам мақола бўларканми?» дея кулиб юборди. Ваҳоланки, бир гала чувалчанглар ағдариб чиққан ер, плуг билан ҳайдалгандан кўра, бир неча баробар унумдор ва ҳосилдор бўларкан. Жумҳуриятимиз далаларида кўплаб кимёвий дориларнинг қўлланиши натижасида бу фойдали ёрдамчилар батамом қирилиб кетди. Ҳозир бир гектар ерда аранг битта-иккита чувалчанг бор, холос. АҚШда эса бир квадрат метр ерда 100 дан зиёд чувалчангни учратиш мумкин.

Давр руҳи, унинг кечинмалари ўз аксини топган мактублар жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини шарҳлашга афсуски, бизда имконият йўқ. Хулоса эса бор. Бефарқлик иллатидан қутулаётибмиз.

Тўлқин ҲАЙИТ,
Табиат муҳофазаси ҳамда қишлоқ турмуши муаммолари бўлимининг мухбири.

Китоб—дўст қалбига йўл топади

Виль Гримич туфайли украин китобхонлари ўзбек адабиётининг кўпгина асарлари билан танишишга муяссар бўлдилар. У ўзбек шеърияти, насри ва халқ оғзаки ижодиётининг зўр билимдони, таржимон бўлиб, кўп йиллар мобайнида икки қардош жумҳурият ўртасида ўзига хос дўстлик кўпригини солиб келди. Виль Гримич Ўзбекистонга тўртта китоб юборди.

Киевнинг «Днипро» нашриёти чиқарган «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърияти» тўплами энг аввало мактаб ёшидаги болаларга аталган. Виль Гримич ана шу нашрни тузиб, унга ўзбек совет адабиётининг асосчиси тўғрисида муқаддима ёзди. Китобда ўзбек тилидан таржимага киритилган сўзларга тушунтиришлар ҳам берилган.

Бошқа китоб ёзувчи Ўлмас Умарбеков қаламига мансуб бўлиб, Виль Гримич адибнинг катта драматургияси ижодиётидан «Жўра қишлоқ» ва «Чўли ироқ» пьесаларини танлаб олди. Бу тўплам «Молодь» нашриётида босмадан чиқарилди.

«Весёлка» нашриёти эса «СССР халқлари эртаклари»ни кўп минг нусхада чиқарди. Ана шу ранг-баранг нашрдан Виль Гримич украин тилига таржима қилган ўзбек ривоятлари ва афсоналари ҳам ўрин олган.

Ва ниҳоят, тўртинчи китоб. Бу «Днипро» нашриёти тайёрлаган «Ўзбек замонавий насри» тўпламидир. Украин китобхонлари ўзбек совет ёзувчиларининг ижоди билан ҳеч қачон бу қадар кенг танишиш имкониятига эга бўлмаган эди. Бу нашрда Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Одил Ёқубов, Примқул Қодиров, Мирмуҳсин, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Шукур Ҳолмирзаев, Тоҳир Малик, Мақсуд Қориев, Шаҳодат Исаҳонова ва бошқа муаллифларнинг асарлари тўпланган. Бир таржимон ана шунча бадиий асарни таржима қилиши мушкул иш. Шунинг учун ҳам бу тўпламни В. Гримич билан бирга Г. Еременко, Т. Соломах, Н. Кравченко, О. Петренко, В. Медвед ва бошқалар тайёрлашди.

Украин тилига янги таржималар адабий алоқалар тобора кенгайиб бораётганлигининг далилларидан биридир.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошида ташкил этилган бадиий таржима маркази миллий адабиётларни оммалаштириш учун таржимонларни мақсадга мувофиқ равишда тайёрлаш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Бунинг учун ўзбекистонлик студентлар қардош жумҳуриятларнинг олий мактабларида таълим олиб, улар халқларнинг тилини ўрганадилар. Бизнинг олий мактабларимизга мамлакатимиз бошқа ўлкаларидан вакиллар келишади. Ўз мамлакатимиз халқлари маданияти ва адабиётини билсак, биз бир-биримизни янада яхшироқ тушунадиган бўламиз.

ЎзТАГ мухбири.

ВЛКСМ XXI съезди резолюцияси

«Комсомол ва пионер ташкилоти»

1. Пионер ташкилоти ташкил этилган кундан то ҳозиргача унинг Коммунистик Ёшлар Иттифоқи билан алоқаси КПСС кўрсатмасига асосан комсомол томонидан «раҳбарлик» тариқасида эди.

Дастлаб бу принцип авлодлар ўзаро алоқасини, инқилобий ғоялар давомийлигини таъминлади. Партия, комсомол, пионердан иборат тўғри маънодаги поғонама-поғона бўйсуниш, вақт ўтиши билан ушбу ташкилотларнинг ўзаро муносабатларида марказлаштириш иш услубини яратди.

Бундай муносабатнинг пайдо бўлишига ўз ҳаракатномаси, ўз раҳбар органи, ўз мутахассислари, ўз моддий ва молиявий базасига эга бўлмаган, шакли бузилган, лаёқатсиз болалар ташкилоти сабабчи бўлди.

ВЛКСМ XX съездининг ҳар бир комсомол аъзосининг эътиборини пионерлар билан ишлашга қаратиши, буни Устав талаби даражасига чиқаришга уринишлари амалга ошмади.

Ёш ўринбосарлар ҳақида, уларнинг ўсиши, дунёқараши ва маънавий қадриятлари ҳақида қайғурмасдан комсомолнинг эртанги кунини тасаввур этиб бўлмайди.

2. Комсомол пионер ташкилотидаги қайта қуришнинг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг ўз-ўзини янгилашига кафолат беради ва:

— унинг ташкилий мустақиллигига;

— пионер ташкилотининг ўз фаолияти ҳаракатномасини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқи;

— пионер ташкилотида болаларни демократия, фикрлар хилма-хиллиги, кенг сиёсий танлаб олиш жамиятга ўргатувчи барча шароитларни яратиш;

— пионер ташкилоти учун мутахассис ва жамоатчилик асосида ишлаётган катталар, ўсмирлар ва болаларни бирлаштириш;

— пионер Кенгашларига ҳуқуқий шахс мақомини бериш;

— пионер ташкилоти оммавий ахборот-ташвиқот ва илмий методик воситаларга эгалик қилиш, ноширлик фаолияти олиб бориш ҳуқуқини таъминлаш;

— пионер ташкилоти маблағ, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хўжалик ҳисобидаги корхона, ташкилотлар ва шунга ўхшаш ўз мақсад ва ҳаракатномани амалга ошириш учун зарур бўлган барча нарсаларга эга бўлишни таъминлаш;

— пионер ташкилоти тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлиш тарафдори.

3. Комсомол пионер ташкилоти билан биргаликда иш олиб боради. Ўз-ўзини янгилаш ҳаракатномасини амалга оширишда яқиндан ёрдам беради ва ушбу ўтиш жараёнида:

— болалар ҳуқуқи ҳақида Қонуни қабул қилинишига ва СССР жамоат ташкилотлари ҳақидаги Қонунида болалар жамоат ташкилотлари мақоми мустаҳкамланишига эришади;

— қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларда пионер ташкилотининг манфаатларини ҳимоя қилади;

— пионер ташкилоти ўз бюджетига эга бўлиши, унинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишига кўмаклашади, моддий, молиявий ва техник ёрдам кўрсатади. Ўз фаолиятини амалга ошириши учун ўз бюджетидан зарур маблағни ажратади;

— пионер ходимларининг комсомол ўқув даргоҳларида таълим олишлари, малакасини оширишлари учун шароит яратади;

— вилоят, жумҳурият пионер рўзномалари, «Пионерская правда» рўзномаси ҳамда марказий ва маҳаллий пионер жаридаларидан тушган маблағларни ўзида ушбу матбуот органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш мажбуриятини сақлаган ҳолда пионер ташкилоти ихтиёрига ўтказади;

— пионер ташкилотининг мамлакатимизда, чет элларда олиб бораётган ишларини тарғиб қилувчи пионер ходимлари ва пионерлар учун адабиётлар нашр этувчи «Молодая гвардия» полиграфия бирлашмасида махсус бўлим очади;

— вилоят, ўлка ва жумҳуриятларда касаба уюшмаси, халқ депутатлари Советлари, кооператив корхона ва ташкилотлар ёрдамига таянган ҳолда пионер ташкилотининг барча даражадаги Советларига тегишли пионер лагерлари ва пионер базалари очишга кўмаклашади;

— кадрларни қайта тайёрловчи илмий тадқиқот, оммавий ахборот ишларини амалга оширувчи болалар ва ўсмирлар ҳаракати марказини ташкил этишга ёрдам беради;

— пионер ташкилотига хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, шартнома тузиш ҳуқуқини беради.

Комсомол ўсиб бораётган авлоднинг умуминсоний қадр-қимматларга эга бўлиб, янгиланган ҳуқуқий социалистик мамлакатда фаолият кўрсата оладиган бўлиб тарбияланишларидан манфаатдор. Шу боис у демократик социализм ғоялари йўналишидаги бошқа болалар ва ўсмирлар ташкилотлари, бирлашмалари ҳаракатларига кўмаклашади.

ВЛКСМ XXI съезди Декларацияси

(Алоҳида фикр)

ВЛКСМ XXI съезди узоқ йиллардан бери биринчи бор озчиликка ўз фикрини баён қилиш ва уни кенг комсомоллар оммасига етказиш ҳуқуқини берди. Съезд Регламентига мувофиқ овоз беришда қатнашган делегатларнинг саккиздан бир қисми кўпчилик овоз билан қабул қилинаётган ҳужжатга қўшилмаган тақдирда алоҳида фикрини шакллантириши мумкин эди.

Албатта, съезднинг ҳамма ҳужжатлари ҳам «тўла якдиллик билан» қабул қилинавермади. Съезд талабига мувофиқ бугун биз съезд делегатларининг бир қисми алоҳида фикр сифатида шакллантирган бошқа нуқтаи назарларни чоп этмоқдамиз.

Хусусан, «ВЛКСМ XXI съезди Декларацияси» қабул қилинган вақтда (рўзномамизнинг 26.04.90 сонида чоп этилган) алоҳида фикрлар сифатида қуйидаги таклифлар шакллантирилди.

«ВЛКСМ XXI съезди Декларацияси»нинг охирги сўзбошиси съезд делегатларининг бир гуруҳи томонидан қуйидагича таҳрир қилинди: «ВЛКСМ бирлик сақланган ҳолда, Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқлари федерациясига айлантирилади».

Татаристон ҳамда Москва шаҳри ва вилояти делегациялари томонидан ВЛКСМ XXI съезди Декларациясининг муқобил варианти тақдим этилди.

«ВЛКСМ РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА»

Узоқ йиллар давомида сохта коммунистик ғоялар ниқоби остида шахсни эзиб келган тоталитар тузум кўз ўнгимизда қуламоқда. Жамият қийинчилик билан демократик ҳаёт тарзига ўтмоқда.

Ёшларнинг тезлик билан тубдан ўзгариб бораётган идеаллари, манфаатлари, талаблари уларни амалга ошириш имкониятлари билан тўқнашиб, зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Ёшлар муаммоларининг кескинлашуви аҳолининг фақатгина шу алоҳида ижтимоий гуруҳи доираси билан чекланиб қолмай, умуман мамлакат ривожланишини издан чиқаришга сабаб бўлиши мумкинлиги кузатилмоқда.

Съезд делегатлари ҳар бир ВЛКСМ аъзосининг фикри шундай, деб даъво қилмасдан, жамиятнинг тақдири учун масъулиятларини ҳис қилган ҳолда комсомолнинг асосий мақсади ҳар бир ёшнинг эркин ривожланиши, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ва бунинг учун шароит яратишдан иборат, деб ҳисоблайдилар. Биз инсонпарвар демократик социализм жамиятини қуришда ўз ўрнимизни шундай деб белгилаймиз.

Комсомол ҳозирги аҳволида, фақат ўз кучи билан бу мақсадларни амалга оширолмайди.

Ёшлар муаммоларини ечиш билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг молиявий маблағлари, моддий ресурслари ва ташкилий фаолиятини бирлаштирган ҳолдагина бу вазиятдан чиқиш мумкин.

Съезд делегатлари:

— ёшлар муаммоларини зудлик билан ҳал қилиниши ҳаётий зарурлиги;

— давлатнинг жиддий иқтисодий қийинчиликлари;

— ВЛКСМ ташкилий жиҳатдан тарқалиб кетиши мумкинлиги;

— бир неча авлод комсомол доирасида яратган ва тўплаган моддий амалий ҳамда молиявий пойдеворини ёшлар учун сақлаб қолиш заруриятидан келиб чиқиб, ВЛКСМ келажакда қуйидаги уч йўналиш бўйича ривожланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

1. Комсомол хўжалик тузилишининг бир қисмига асосланиб, мамлакат ижтимоий-давлат ёшлар хизмати тузиш.

2. Мавжуд Бутуниттифоқ комсомол тузилишини шўро ёшлари Анжуманига айлантириш. У ВЛКСМ ташкилий-сиёсий қурилмаси асосида вужудга келувчи ташкилотларни бирлаштиради.

3. Ҳозирги ВЛКСМдан КПСС ёшлар ташкилотини ажратиб чиқариш.

Комсомол санаб ўтилган уч йўналиш бўйича ҳаракат қилиб, юзага келган қийин вазиятдан чиқа олиши мумкин.

Бунинг учун:

— съезд делегатлари ваколатларини узайтириш;

— ВЛКСМ ривожланиши керак бўлган уч йўналишни ишлаб чиқиш учун съезд комиссияларини тузиш;

— КПСС XXVIII съезди якунлари бўйича узул-кесил қарор қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

ЎЗТАГ ҲУЗУРИДАГИ МАХСУС МАТБУОТ ГУРУҲИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Тартибсизликлар ортида ким бор?

Ҳамма воқеа Андижондаги «Спартак» стадионидан бошланди. У ерда 2 май куни Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командаси маҳаллий «Спартак» командаси билан учрашиши керак эди. Хўжалик ҳисобидаги «Спартак» футбол клуби маъмурияти вилоят спорт комитети ва вилоят касаба союз уюшмаси, вилоят партия ва совет идораларига маълум қилмай, Тошкентнинг «Пахтакор» клуби маъмурияти билан футбол бўйича ўртоқлик ўйинини ўтказиш тўғрисида келишиб олишган. Ўйин оралиғидаги танаффусда стадионда пул-буюм лотереяси ўйналиши керак эди.

Бироқ «Пахтакор» командаси учрашувга келмади — унинг асосий аъзоларидан бўлган беш ўйинчи лат еганлиги маълум бўлди. Шунга қарамай, «Спартак» футбол клуби маъмурияти учрашув барбод бўлишини била туриб, ҳатто ўйин куни ҳам ишқибозларга билет сотаверди. Кўп ишқибозлар билетларни чайқовчиларнинг қўлларидан олишган эди.

Учрашув бўлмаслигини билиб ғазабланган ишқибозлар «Спартак» клуби маъмурияти буни тушунтириб беришларини талаб қилди. Клуб президенти Шокиржон Исоқов «Пахтакор» нима сабабдан ўйинга келмаганлигини тушунтиришга уринди. Бироқ стадиондаги аҳвол фавқулодда қалтис бўлиб, ишқибозларнинг асаби таранглашганди. Улар безориларнинг гиж-гижлашлари билан стадионда тўс-тўполон чиқардилар.


Бошқариб бўлмайдиган ҳолатдаги оломон стадиондаги айрим биноларни, «Спартак» клуби президентининг автомашинасини, шунингдек пул-буюм лотереяси ўйини учун аталган машинани, милициянинг бир мотоцикли ва иккита автомашинасини ёқиб юборди. Бу бебошлик стадиондан шаҳар кўчаларига ўтди. Ҳаддидан ошган, асосан ёшлардан иборат оломон вилоят партия комитети биносини қуршаб олди, сўнг Навоий кўчаси бўйлаб ўз йўлида учраган барча нарсаларни пайҳон қилиб, темир йўл вокзали томон юрди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ана шу ҳаддидан ошиш натижасида 32 та уй, 20 та газета дўкони, 13 та магазин ёқиб юборилди, айни вақтда 3 та магазин талон-тарож қилинганлиги маълум бўлди. Маъмурий биноларнинг кўпи шикастланди, хусусий устахоналар, автобус бекатлари бузиб ташланди, йигирмата автомобиль ёқиб юборилди.

Фарғона ва Наманганддан ёрдам олган Андижон ички ишлар органларининг кучи билан бебошликни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлинди. Вилоят прокуратураси оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш фактлари юзасидан бир қанча жиноий иш қўзғади.

Айбдорлар жазоланишига шубҳа йўқ. Лекин ҳамма ҳам қилмишига яраша жазоланадими? Тартибсизликларнинг ҳақиқий айбдорлари, уларнинг ҳақиқий ташкилотчилари ва гиж-гижловчилар — ҳокимият сари интилаётган қора кучларнинг вакиллари яна панада қолмасмикан? — деган саволлар ўртага ташланмоқда.

Уларни аниқлаш, ҳақиқий башараларини халққа кўрсатиш — фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши эмас, бу ишни бутун жамият, бутун халқ манфаатларини кўзлаб амалга ошириш зарур. Чунки ур-йиқит қилиш ва ўт қўйиб юбориш учун кўчаларга чиққан ёшларни кимдир шу йўлга бошлаган. Андижонда футбол ўйини барбод бўлганлиги сабабли юзага келган бу воқеа оммавий безорилик тусига кирганлиги, аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги мутлақо тасодифий эмас. Бу воқеа республика Олий Советы қабул қилган «Жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги Фармон қоидаларини тўғридан-тўғри бузишдир.



Қанча эрта турсанг, кунинг шунча баракали бўлади. Оқлик яратаётган Гулсара Файзуллаева учун ҳар эрта тонгни барвақт қаршилаш одатга айланган. Тонг ҳавоси нақадар ёқимли, гўзаллигини айтмайсизми? Соғувчи қиз буларнинг баридан қувват олади. Руҳидаги тетиклик ишга унум бағишлайди. Булунғур ноҳиясидаги Фозил Йўлдош ўғли номли давлат хўжалигида илғор соғувчилар қаторида унинг номини ҳам тилга олишадиган бўлишди. Бу ҳам бир бахт, дейди у.

Суратда: сут соғувчи қиз Г. Файзуллаева.

Суратчи: Т. ДАВЛАТОВ.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ОШКОРАЛИК СОЯСИДАГИ ЧАЛА ҲАҚИҚАТ

ЁКИ БОШҚАРИШДАГИ ҚЎШҲОКИМИЯТЧИЛИК ҲАҚИДА

«Иқтисодиёт тежамли бўлиши керак». Брежневнинг партия XXVI съезди минбаридан айтган бу сўзлари бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйгани ҳаммамизга маълум. Катта-катта шиорлар ёзилди. Бу шиорлар қанчадан-қанча мажлисларнинг кун тартибига қўйилди. Бироқ қанча бақирмайлик, мажлислар қилмайлик, иқтисодиётимиз ўрнидан силжимади. Давлат мулкини ўғирлашлар, қўшиб ёзишлар мамлакат миқёсида авж олди. Хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг чеки бўлмади. Бунинг устига бошқарув аппарати кун сайин, ой сайин ҳам бўйига, ҳам энига ўсиб бораверди. Бу эса бюрократизм томирларини янада илдиз отишига олиб келди.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг қарорлари турғунлик марказида қотиб қолган иқтисодиётимизни ўрнидан силжишига қайтадан куч бағишлади. Мазкур Пленумдан сўнг биз иқтисодиёт сиёсатида нақадар орқада эканлигимизни яққол сеза бошладик. Дарҳақиқат, кўп ўтмай июнь Пленуми ўз кучини кўрсата бошлади. Ўша йилнинг август ойларида Навоий вилояти Самарқанд вилояти билан бирлаштирилармиш, деган миш-мишлар пайдо бўлди. Бу гап-сўзлар куз ойларига келиб янада «болалаб» кетди.

Хуллас, энди одамларни иш эмас, кўпроқ фармоннинг матбуотда эълон қилиниши қизиқтирарди. Ниҳоят кутилган фармон салкам бир йил деганда матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 6 сентябрдаги фармонига мувофиқ Навоий ва Самарқанд вилоятлари бирлаштирилди. Навоий вилоят ташкилотларида бесаранжомлик бошланди. Энди кишилар ўзларича иш топиш пайига тушдилар.

1989 йилнинг январь ойида яна миш-миш пайдо бўла бошлади: собиқ Навоий вилоятига ўтиб қолган Бухоро вилоят ноҳиялари яна аввалги жойига қайтарилади. Тўғриси, бош схемага тез-тез ўзгартиришлар киритиш иқтисодиётимизга ҳам катта зарар келтирди. Бир вақтлар меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродаси билан ташкил этилган вилоятлар, ноҳиялар кейинги пайтларда қайта қуриш баҳонасида гоҳ тарқалиб, гоҳ қайта тузилиши кишиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Наҳотки бутун бошли вилоятлар, ноҳияларни тузиш ва тарқатиш пайтида халқнинг талаб ва эҳтиёжларига қулоқ тутилмайди. Бюрократизм, маъмурий бошқарув аппаратини қисқартириш ҳақида гап кетар экан, ноҳия ва вилоят ташкилотларида ишлайдиганларнинг ҳаммасига бюрократ тамғасини босишдан олдин жиддий мулоҳазалар юритиш лозим эди. Тўғрисини айтганда, бир имзо билан ноҳия ва вилоят ташкилотларида ишлайдиган кишиларнинг кўпчилиги тариқдай ҳар томонга тарқаб кетди. Ҳолбуки, жумҳуриятда жойлашган иттифоқ вазирликлари ихтиёрига қарайдиган корхоналарга бу деярли таъсир этгани йўқ. Биз ноёб табиий бойликлари мўл-кўл ўлкада яшаймиз. Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда саноат ривожланди. Хўш, шундай экан, тармоқ вазирликлари ўзимизда тузилса, олинаётган фойда жумҳурият ихтиёрида қолмайдими? Албатта, қолади. Шундай қилинсагина жумҳуриятимиз қарз ҳисобига яшаяпти деган маломатлардан қутилади, «боқиманда», «текинхўр» деган тамғалардан халос бўлади.

Агар «Известия» рўзномасининг 1989 йил 8 март сонида «Махфийлик бекор қилинди» деган ахборот босилмаганида биз ҳам журъат қилиб бу мавзуда гап очмаган бўлардик. Ушбу ахборотдаги қуйидаги жумлаларга эътиборингизни тортмоқчиман: Қозоғистон иқтисодий харитасида сўнгги «оқ доғ» барҳам топди. СССР Ўрта машинасозлик вазирлигининг энг йирик корхоналаридан бири Прикасбий кон-металлургия комбинати фаолиятида махфийлик тартиби бекор қилинди. Мазкур корхонада 2000 йилгача уран ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш бир неча марта камайди. Шундай қилиб мамлакат мудофаа саноати тинчлик манфаатларига хизмат қила бошлади. Бироқ жумҳуриятимиз иқтисодий харитасидаги «оқ доғлар» ҳамон йўқолган эмас. Навоий кон-металлургия комбинати мана ўттиз йилдан бери «мутлақо махфий» шиори остида ишламоқда.

Ўзбекистонда бу корхона ҳақида гапириш ҳанузгача ман қилиниб келинаётганлиги ошкоралик талабларига мутлақо зиддир. Партиямизнинг ошкораликни кенгайтириш сари тутган сиёсатининг нечоғлик тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Афсуски, биз ошкоралик шамолига анча кечикиб пешвоз чиқдик. Навоий кон-металлургия комбинати жумҳуриятимизнинг энг йирик корхоналарини бирлаштирган саноат ўчоғи ҳисобланади. Мен собиқ Навоий вилоятининг «Дўстлик байроғи» рўзномасида ишлаб юрганимда унинг айрим бўлинмаларида бўлишимга тўғри келганди. Афсуски, шу пайтлари комбинатга қарашли корхоналар ҳақида ёзиш қатъий ман қилинганди. Хўш, нега? Бунинг асл сабаби ҳанузгача аён эмас. Ўтган йили мазкур комбинат ўзининг ўттиз йиллигини кенг нишонлади. Айтиш керакки, комбинатнинг иш бошлаши Навоий, Зарафшон, Учқудуқ каби шаҳарларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Биз буни ҳеч қачон инкор қилмаймиз.

Яқин вақтларгача Навоий цемент заводи Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати вазирлигига бўйсунар эди. Энди цементчилар Иттифоқ Бинокорлик вазирлиги раҳбарлиги остида ишламоқда. Яқин вақтларгача Қизилқумда бир қатор геологик партиялар жумҳурият Геология вазирлигига қарашли эди. Яқинда қизилқумлик геологлар СССР Геология вазирлиги ихтиёрида эканликларини айтишди. Вилоят, жумҳурият статистика ахборотларини кўздан кечирсангиз, мазкур корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳақида лом-мим дейилмайди. Нега? Яна ўша гап — ўта махфий. Ёки «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасини олайлик. Мазкур бирлашма СССР Кимё саноати вазирлиги тасарруфида. Бу бирлашма атроф-муҳитни шу қадар булғамоқдаки, айрим пайтларда нафас олиб бўлмас даражага етади. Албатта, буни СССР Кимё саноати вазирлиги ходимлари яхши билишади. Аммо уларга барибир. Чунки улар Москванинг энг сўлим жойларида туриб «Навоиазот» бирлашмаси ҳисоботларни қабул қилишади. Навоий электрокимё заводи СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш вазирлиги раҳбарлиги остида ишлайди. Бу корхонанинг ҳам бутун осмонни сариқ тутунлар гирдобида қолдиришга «куч-қудрати» етади.

«Туб таркибий силжишлари ишлаб чиқариш имкониятларининг самарадорлигини ошириш, бошқарув ва хўжалик юритишнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида 1991-95 йилларда Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни ва жумҳурият аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш ҳаракатномаси»да ҳам ўринли фикрлар баён қилинган:

«Ноёб табиий иқлимий шароитларга ва минерал хом ашё базасига, ишлаб чиқариш, фан-техника ва меҳнат потенциалига эга бўлган Ўзбекистон аввало, мамлакатнинг бошқа регионларида ҳосил қилишнинг иложи бўлмаган маҳсулотнинг кўпгина турларини ишлаб чиқараётганлиги туфайли Умумиттифоқ халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда».

Кончилар, геологлар шаҳри сифатида донг таратган Учқудуқ шаҳри яқинда ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлади. Ўшанда бу ерда Навоий кон-металлургия комбинатининг кичик бир бўлинмаси иш бошлаганди. Эндиликда бўлинма йирик кон бошқармасига айлантирилди. Ҳозир шаҳардаги энг йирик савдо, маиший, маданий, табобат, алоқа, коммунал хўжалиги тармоқлари, ҳатто турар-жойлар мана шу бошқарма ҳисобида. Шаҳар Шўроси эса мана шу кон бошқармаси бюджети ҳисобига кун кўради. Шунинг учун шаҳар Шўроси кон бошқармаси раҳбарларининг рухсатисиз бирорта қарор чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Шаҳар депутатлари «Бутун ҳокимият — Шўроларга» деган шиорни кўтариб чиқишга қўрқишади. Негаки, кон бошқармаси бундай бедодлик учун депутатларни «қаттиқ» жазолаши мумкин. Бошқарма ҳам янги хўжалик ҳисоби билан ишлаяпти. Шаҳар учун бюджетдан пул ажратмай қўйса нима бўлади? Ноҳиянинг бюджети ўзига яраша. Ноҳия ижроия қўмитаси гоҳ жумҳурият, гоҳ вилоятдан ажратиладиган арзимас маблағга кўз тикиб яшайди. Мана, ўн йилдирки, ноҳия марказий касалхонаси қурилиши ҳамон маблағ кутиб ётибди. Лекин шундай бўлса ҳам шаҳар раҳбарлари:

— Учқудуқ — тилларда достон бўлган шаҳар, — дейишни яхши кўришади.

— Йўқ, Учқудуқ бюрократлар шаҳри, дейишади ноҳия маданият бўлими ходимлари. — Бошқарув аппарати кўпайиб кетган. Ноҳия раҳбарлари маданият учун қайғуришмайди. Лоақал чолғу асбобларни сақлайдиган хонамиз йўқ. Ахир, бундай ҳолда ишлаб бўладими?

Шаҳарда истиқомат қилувчи кон санитария қисми ёрдам кўрсатади. Мазкур корхона ходимлари ўз иш ҳақларига 60 фоиз қўшимча ҳақ оладилар. Ноҳия касалхонаси шифокорларига бор-йўғи 30 фоизлик коэффициент тўланади. Кончилар шифохонаси СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида бўлганлиги учун унинг раҳбарлари маҳаллий ҳокимият билан ҳисоблашмайдилар. Бундан икки-уч йил бурун собиқ Навоий вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига 20 фоизли коэффициент тўлаш ҳақида масала кўтарилганди. Чунки Навоий шаҳри атрофидаги ноҳияларнинг оғир экологик аҳволи ҳисобга олиниб, шундай қарорга келинганди. Негаки, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоиазот» бирлашмаси, электрокимё цемент заводлари чиқараётган зарарли моддалар шу музофотдаги аҳоли соғлиғига жиддий таъсир кўрсатаётган эди. Бироқ, тегишли вазирликлар ўз корхоналари ишчиларига қўшимча ҳақ тўлашни жорий этишди-ю, бошқа касб эгалари эса ўз вазирликлари ҳақ тўласин, деб туриб олишди. Хўш, шу ерда ўзи ҳақли савол туғилади. Навоий шаҳри саноат музофотида жумҳурият халқ таълими, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазирликларининг экологик мувозанатни бузадиган корхоналари йўқ-ку!

1989 йилнинг март ойида ноҳиядаги Гагарин номли давлат хўжалигида бўлган эдик. Бу ерда қишлоқ касалхонасига кириб бутун вужудимиз титраб кетганди. Хоналар захс. Деворлари нураб ётган касалхонада оддий ичимлик суви йўқ эди. Кейинроқ билсак, касалхона моддий таъминоти қишлоқ Шўроси ихтиёрида экан. Қишлоқ Шўросига «ўлиб қолмаслик» мақсадида арзимас маблағ ажратилади. Бу маблағга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Учқудуқдаги Шимолий кон бошқармаси тасарруфида олтингугурт кислота заводининг атроф-муҳитга етказаётган зарари дард устига чипқон бўлиб тушмоқда. Кончилар маъдан конларини излаб топиш учун ер остига махсус қувурлар ёрдамида кислота юборишади. Табиийки, бу кислота ер ости сувларига қўшилиб кетади. Шу ноҳиядаги «Мингбулоқ» давлат хўжалигининг бош чўпони Жалғас Айхўжаев бу муаммони бир неча марта кўтариб чиқди. Лекин ҳар гал унга «ваҳимачи» деган ёрлиқ ёпиштиришди. Негаки Учқудуқда юзага келган қўшҳокимиятчилик етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Жумҳуриятимизнинг таниқли олимлари Э. Юсупов, С. Зиёдуллаев ва С. Усмоновларнинг «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида (1988 йил 17 июль) босилган «Ошкоралик ва адолат» мақоласида шундай деб ёзадилар: «Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда саноат кенг ривож топди, унинг маҳсулоти фақат жумҳуриятни эмас, балки бутун мамлакат эҳтиёжини қондиришга мўлжаллангандир. Жумҳуриятда Иттифоқдаги кимё саноати корхоналарининг жами 10 фоизидан ортиқроғи жамланган. Улар мамлакат учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга атроф-муҳитни кўп даражада ифлос қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий оқибатларга олиб келди: касалликлар кўпайди, болалар ўлими ўсди, бола туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги ёмонлашди».

Мақола муаллифларининг қуйидаги фикрлари ғоят қимматлидир: «Жумҳуриятда миллий даромадларни белгилашда фойдали қазилмаларни қайта ишлашдан олинган реал даромад ҳам кўзда тутилмайди.

Ўзбекистон рангли металлар: рух, мис, қўрғошин, вольфрам, молибден, табиий газ қазиб олишда мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жумҳуриятда жойлашган умумиттифоқ тасарруфидаги йирик саноат корхоналарининг маҳсулотлари ҳам ҳисобга кирмайди.

Борди-ю бу масалага Маркснинг меҳнат қиймати ҳақидаги назарияси нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, у ҳолда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган миллий даромад фойдаланилганидан 4,4 миллиард сўмдан ортиб кетади».

«Ўзбекистон коммунисти» жаридасининг 1989 йил 3-сонида Б. Миринский бу аҳволни жуда тўғри изоҳлайди: «Шаҳарларнинг «соҳиблари» амалда кон бошқармаси ва қурилиш бошқармаси, яъни Навоий кон-металлургия комбинатининг йирик бўлинмаларидир.

Бу ерда кон бошқармаси ва қурилиш бошқармасининг иштирокисиз мактабгача тарбия муассасаларига жой ажратишдан бошлаб, квартираларни тақсимлашгача бўлган бирорта масала амалда ҳал қилинмайди. Нақадар ғалати туюлмасин, бу шаҳарларда партия ва совет органлари етакчи роль ўйнамаслигидек ҳолат юзага келиб қолган. Тўғри, кейинги йилларда шаҳар ижроқўмларида ижтимоий ҳаётда юз бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиш тенденцияси намоён бўла бошлади. Лекин матбуот конференциялари ва партия-хўжалик активларида ҳали меҳнат жамоалари вакилларининг аҳоли турмуш ва дам олишига дахлдор бўлган саволларига шаҳар партия қўмиталарининг ходимлари эмас, балки кон бошқармасининг раҳбарлари жавоб бермоқдалар». Ўртоқ Б. Миринский таъкидлари мутлақо тўғри. Ҳали ҳам Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида маҳаллий Советлар ўз ҳуқуқларига эга эмас.

Биз Навоий шаҳрини кимёгарлар, энергетиклар, металлурглар шаҳри деб атаймиз. Ҳақиқатан ҳам шаҳарга «жон» киритиб турган ўша касб эгалари. Улуғ ўзбек шоири номи билан аталувчи бу кўркам шаҳар шуҳратини етти иқлимга таратган ҳам шу касб эгалари. Яқинда шаҳар ижроия қўмитасида бўлиб, шаҳарда уй-жой қурилиши ишларининг бориши билан танишдик. Ижроқўм ходими Людмила Аҳадовна Махнева бизнинг олдимизга рақам тўла графикни қўйди. Сўнг изоҳ бера бошлади:

— Шаҳар уй-жой қурилиши кўпроқ СССР Ўрта машинасозлик, Кимё, Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, Бинокорлик материаллари саноат вазирликларининг ҳимматига боғлиқ. Уларсиз шаҳарда бир ғиштни иккинчи жойга олиб қўя олмаймиз.

— Шаҳар бюджети-чи? — сўраймиз.

— Шаҳар бюджети оддий масалаларни ҳал қилишга етмайди.

Яқинда бир дўстим ўғлини болалар боғчасига жойлаштиришга қийналаётганлигини айтиб қолди.

— Бормаган жойим қолмади, ҳисоб. Шаҳарда хўжайин йўқ шекилли, — деди у афсус билан.

Шаҳарда саноат корхоналарига қарашли боғчаларни қўшиб ҳисоблаганда уларнинг сони 40 тага етади. Саноат корхоналарига қарашли болалар боғчалари билан халқ таълимига қарайдиган боғчалар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Шаҳарда энг ғариб боғчалар халқ таълимига қарайди. Бу шаҳар раҳбарияти учун ташвишли эмас. Мазкур боғчаларда ремонт бир йилгача чўзилади. Баҳона «материал йўқ». Шаҳар раҳбарлари комиссияларга саноат корхоналаридаги боғчаларни кўрсатиш билан ҳақиқий аҳволни яшириб келавердилар. Қизиқ. Унда шаҳар Шўроси ижроия қўмитаси раҳбарлари нима қилиб ўтиришибди? «Бутун ҳокимият — Шўроларга» деган шиорнинг қадр-қиммати қаерда қолди? Дарҳақиқат шаҳарнинг хўжайини ким? Ижроқўмми ёки кон-металлургия комбинатими?

Жумҳуриятни хўжалик ҳисобига ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда мана шу муаммолар эътиборга олиниши зарур деб ўйлаймиз. Бу нафақат Навоий саноат регионига учун тааллуқли бўлмай, балки жумҳуриятимиз осмонини қора тутунга тўлдираётган бошқа корхоналарга ҳам тааллуқлидир. Бунинг учун биз қуйидаги масалалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак, деб ўйлаймиз:

— иттифоқ вазирлигига қарашли саноат корхоналари атроф-муҳитга етказаётган зарари учун қонунда белгиланган қоидага мувофиқ товон тўлаши;

— умумиттифоқ тасарруфидаги корхоналар маҳсулотлари ва улардан келадиган даромадлар бутунлигича, ҳеч бўлмаганда муайян қисми жумҳурият ихтиёрига ўтказилиши.

Жумҳуриятдаги чет эл корхоналари билан иқтисодий алоқа қилмаслик шартлари қўйилиши керак.

Хуллас, иқтисодиётни бошқаришда қўшҳокимиятчиликка барҳам бериш пайти келди. Бусиз жумҳуриятда иқтисодиётни соғломлаштириб бўлмайди.

М. МАРДИЕВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

ДАҲЛДОРЛИК

Бахтиёр Ортиқов эндигина йигирма икки баҳорни қаршилади. Шундан уч йилини «Геологоразведка» заводидаги фаолиятига бағишлади. Ўта талабчан йигит. Меҳнатдан ва билмаганини сўрашдан чўчимайди. Касби йўнувчилик. Бурғилаш жиҳозларининг бенуқсон, авариясиз ишлаши кўп жиҳатдан унинг зийраклигига, ишбилармонлигига боғлиқ.

— Демак, мен ҳам янги қазилма конларини очишда иштирок этарканман-да, — дея ич-ичидан қувонади, фахрланади.

Заводда атиги бир йил ишлади. Уни армия сафидаги хизматга чақиришди.

Йигитлик бурчи осон кечмади: кўпчилик қатори унинг ҳам пешонасига Афғонистон ёзилган экан. Минг қатла шукр. Эсон-омон қайтди. Хизматдалик чоғида ўртоқларидан мактублар олиб турди. Улар кўпроқ корхонадаги ишлар, янги цех қурилиши, рақамли бошқарувли дастгоҳлари ҳақида ёзишарди. Ана шуларнинг ҳаммаси уни заводга қайтишга даъват этарди.

Бахтиёр ўзи ҳақида гапиришни умуман ёқтирмайди. Бригада ва касбдошлари тўғрисида гап кетгудек бўлса, жон-жон деб сўзлайди.

— Агар цехдаги тайёрланаётган маҳсулотларга шахсий тамға қўйиладиган бўлса, бундай ҳуқуқни биринчи бўлиб Бахтиёр Ортиқов қўлга киритарди, — дейди унинг устози С. Маҳсумов.

Шу кунларда Бахтиёргаям осон эмас. Оила қурди. Дорилфунуннинг кечки бўлимига ўқишга кирди. Тарих факультетига. Нега айнан шу ерга?

— Илгари тарих фани, бошқаларни билмадим-у, мен учун зерикарли туюларди. Энди қарасам, биз тарихимизни билмас эканмиз. Ўрганиш керак экан... — деди у.

Бахтиёр балки буюк тарихчи бўлиб етишмас. Аммо ишчи-геолог касбидаги чиниққанлик уни ҳақиқий инсон қилиб тарбиялади.

И. ИВАШКЕВИЧ.

ГЎШТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» РЎЗНОМАСИ, ЖУМҲУРИЯТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ «АХБОРОТ» РЕДАКЦИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР УБХСС ХОДИМЛАРИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

«Ширкатчилар гўштнинг нархини яна оширишибди. Мол гўшти 6 сўм, қўй гўшти 7 сўмга чиқибди». Бу миш-мишларга биров ишонса, биров ишонмади. Бироқ дўконларда гўшт баҳоси ошгани рост эди. Бундан одамлар ранжишди албатта. Ахир шундоқ ҳам ҳафта, ўн кунда бир қадоқ гўшт олишга қурби етмайдиганлар бор. Айримлар икки кунлик иш ҳақи ҳисобига ширкатдан бир килограмм гўшт олиши мумкин. Дўконма-дўкон юришдан фойда йўқ. Гўшт камдан-кам бўлади.

Жумҳурият партия ва ҳукумати ширкатчилар ўзбошимчалигини дарҳол тўхтатишди, гўшт нархини пасайтириш ҳақида кўрсатма берилди. Бозорларда гўшт нарх-навоси ҳозир қандай? Биз байрам арафасида Олой бозорини кўздан кечирдик. Мол гўшти 5 сўм 50 тийин. Ярим сўмга пасайибди. Киров ноҳияси матлубот жамиятига қарашли 5-гўшт дўкони олдида 5-6 нафар харидор. Барваста йигит чаққонлик билан гўштни тортиб, қоғозга ўраб харидорларга узатмоқда. Четдан қарасангиз ўз касбининг устасига ўхшайди. Аслида... У ҳеч тап тортмай бир харидор ҳақидан 2 сўм 37 тийин уриб қолган пайтда ушланди. Текшириб кўрилганда у 2 килограмм деб тортган гўшт 1 кг. 750 г. чиқди. «Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл» деган гап бор. Сотувчи Ботир Хорунов ҳам тарозидан, ҳам қайтимдан уриб қолишга ўрганган экан.

Албатта у «адашиб кетганлиги»ни айтиб, кечирим сўрай бошлади. Аммо маълум бўлишича, бу сотувчи ўтган йилнинг декабрида ҳам «адашиб» кетган экан. Киров ноҳияси халқ суди солган 300 сўм жарима, мукофот пулидан маҳрум этилгани, сотувчиликдан ишчиликка ўтказиб қўйилганлигидан у хулоса чиқариб олмабди.

— Яхши отга бир қамчи, нима қилайлик, ўзи тушунмагандан кейин, — дейди матлубот жамияти раиси Ш. Абдуллаев. — Бировнинг қўлидан ушлаб ўтиролмаймиз-ку.

Ундан гўшт нархи ҳақида фикрини сўрадик.

— Нима қилайлик, гўшт йўқ, — деди у. — Қозоғистон ҳозир бизга мол ўтказмаяпти. Жуда қийин бўлиб қолди. Раҳбарлар ҳисоб-китоб қилиб, нархни оширишган эди. Эътирозлар бўлгач, дарҳол 50 тийинга пасайтирилди.

Ҳозир мол гўшти 5 сўм 50 тийин. Кўпчилик учун барибир қиммат. Бунинг устига харидор бир килограмм гўштни белгиланган нархда камдан-кам олади. Сотувчилар истаганча суяк қўйиши ёки тарозидан уриб қолиши мумкин. У эмас, бу эмас камбағалга қийин бўляпти. Юқорида айтилганидек, у бир қадоқ гўшт учун кун бўйи ишлайди. Кассоб-сотувчи эса бир кунда қанча топишини ўзи яхши билади.

Бозорда биз суҳбатлашган кишилар дўконларда гўшт йўқлиги, ширкат қимматлигини айтишди. Савдо тамроқларида гўштни тақсимлаш, сотиш бўйича кўзбўямачилик, юлғичлик бўлаётганлиги ҳақида ҳам гапиришди.

Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

РЕЙД БРИГАДАСИ.

Рўзномада босилмади, аммо...

ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИМИ?

Волгоград тиббиёт институтида таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбекистонлик талабалар рўзномамизга мурожаат қилиб, ўқув даргоҳларидаги ўқиш ва кўнгилли дам олиш учун яратилган шароитдан қониқмаётганликларини баён этгандилар. Редакция 12 киши имзо чеккан ушбу талаб — шикоят мактубини Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳукмига ҳавола этди. Яқинда вазирликнинг кадрлар Бош бошқармаси бошлиғи А. Шодмонов имзоси билан расмий жавоб мактубини олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори бўйича 1989 йил декабрь ойида РСФСР ва Украина шаҳарларидаги тиббиёт институтларида ўқиётган талабаларнинг ўқиши ва яшаш шароити билан танишиб чиқиш ва зарур бўлса, чора кўриш мақсадида вазирлик ходимлари юборилди.

Волгоград тиббиёт институтига профессор Т. Солиев бориб келди ва у тақдим этган маълумотнома бўйича талабаларимизга имконият даражасида шароит яратиб берилган. Улар профилакторийга жойлаштирилган. Ўқиш учун барча имкониятлар бор.

Профессор Т. Солиев тиббиёт институтида ҳар бир талаба билан учрашган ва суҳбатлашган. Зарур масалалар факультет деканлари билан ҳамкорликда ҳал этилган».

Минг таассуфлар бўлсинки, редакцияга келган шикоят мактубига ёзилган расмий жавобда умумий гаплар билан чекланилган. Кўрилган чоралар ҳақида лом-мим дейилмаган. Талабаларимизни нима қониқтирмади, уларни рўзномамизга мактуб йўллашга нима мажбур этди! Мутасадди раҳбарларимиз кўрилган чора-тадбирлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтишни лозим топмабдилар. Наилож, балки ушбу жавоб билан танишган талабалар унинг қанчалар тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида бизга маълум қилишар!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА: Волгоград тиббиёт институти толиби Равшанбек Аллабергановдан яна бир мактуб олдик. Унинг ёзишича вазирлик вакили ҳеч нарсага эришолмаган. «Биз Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олган жавобни (жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқоридаги расмий жавоби Волгоградга ҳам юборилган — ред). ўқиб, ёқа ушлаб қолдик. Уларнинг жавобидагидек бизларга шоҳона шароит яратилмаган, ҳеч қандай профилакторийдан. Биз ҳозир 7 киши айвонча (холл)да яшаяпмиз».

Муаллиф яна ўз мактубида «Ёш ленинчи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномалари ҳамда «Ёшлик» жаридасига обуна бўлганлиги (ярим йилга), бироқ уларни ололмаётганлигидан нолийди. Шаҳар почтасида эса унга жумҳуриятдан юборишмаётганлигини айтишган.

Майли, обуна масаласида-ку, тегишли ташкилотлар шуғулланишар, аммо Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун рўзномани чалғитиш нега керак бўлиб қолди экан! Редакция вазирликдан аниқ жавоб кутади.

> **Шаҳар боғлар, сўлим ўрмонлар, мовий денгизлар каби гўзал бўлмоғи керак... у нафратингни қўзғатадиган, умрингни қисқартирадиган, ноиложликдан яшаб турган бошпанагина бўлмаслиги лозим; киши дўстлари, китоблари, юмушлари кутиб турган ўз уйига қандай талпинса, шаҳрига шундай ошиқсин. Шаҳрингизни ишлаб чарчамайдиган, орзу-ҳавасингиз ушаладиган, ҳордиқ чиқарадиган масканган айлантиринг.**
>
> **К. Г. ПАУСТОВСКИЙ.**

ЯНА НОМЛАР ҲАҚИДА

ЖОЙ номларидан, яъни топонимлардан баҳс этадиган топонимика фани бир қанча қисмларга бўлинади; масалан, аҳоли пунктлари — қишлоқ ҳамда шаҳарларнинг номларини ўрганадиган тармоғи **ойконимия** (юнонча **ойкос** — турар-жой), тоғ-тошларнинг номларини тадқиқ қиладиган бўлими **орономика** (юнонча — **орос** — тоғ), сой-дарё, кўл-денгиз каби сув ҳавзаларининг атамаларини ўрганадиган тармоғи **гидрономика** (юнонча **гидро** — сув), шаҳар ичидаги объектларнинг номларидан баҳс қиладиган бўлими эса **урбанимика** (лотинча **урбанус** — шаҳар) деб юритилади.

Шаҳар ичидаги табиий ва маданий объектлар ниҳоятда хилма-хилдир. Улар шаҳар таркиб топган даврдан тортиб ҳозирги кунгача пайдо бўлгандир. Тошкент шаҳар деворлари, ташқи истеҳкомлари, ҳандақлари, дарвозалари, қабристонлари, мачит-мадрасалари, ариқ-зовурлари, ҳовузлари, майдонлари, маҳалла-мавзелари, бозор-расталари, боғу-хиёбонлари билан машҳур бўлган. Масалан, ўтган аср охирларида Тошкентда 12 та дарвоза, 40 га яқин қабристон (ҳатто японлар қабристони), 250 та мачит, 12 та мадраса, 5 мингга яқин дўкон, 200 та маҳалла, 500 чамаси ҳовуз, 1500 бозор растаси, бир неча юз мавзе (шаҳар чеккасидаги боғ ҳовлилар) бўлган.

Кўл қуриса ҳам номи қолади. Ана шу объектларнинг аксари қисми йўқолиб кетган бўлса ҳам, халқ хотирасида, қўлёзмаларда ва бошқа ёдномаларда уларнинг талай номлари сақланиб қолган.

Ҳозирги маънодаги кўчалар шаҳримизда анча кейин, XIX аср охири, XX аср ибтидоларида пайдо бўла бошлаган. Ҳозир пойтахтимизда катта-кичик кўчаларнинг номлари 2 мингдан ортади (кўча-кўй шохобчалари эса 3 мингга етади, чунки кўча ҳам, проезд ҳам, тупик ҳам бир ном билан аталган ҳоллар кўп; масалан, бир кўча, бир проезд, бир тупик Абдулла Қаҳҳор номи билан аталган).

Жуғрофий номларнинг аксари қисми асрлар давомида халқ томонидан қўйилади. Топонимларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. 1) жойнинг қандайдир аломати, масалан, шу жой учун характерли бўлган ўсимлик ёки ҳайвон турига, рельефи, ер ости бойликларига, шу ерда яшайдиган кишиларнинг касб-корига, этник, миллий тобелигига қараб қўйилган номлар; бундай топонимлар сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилади; 2) киши номлари билан аталган топонимлар; бундай топонимлар мамлакатимиз шаҳарларида айниқса каттагина ўрин тутади.

Биз бу мақолада Тошкент шаҳрида киши номлари билан юритиладиган топонимлар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

АНА шундай персонал топонимлар, яъни, бирон-бир шахснинг шаънига ёки хотирасига қўйилган номлар **антротопонимлар** дейилади (юнонча **антропос** — одам). Бунда шу ерга биринчи келиб ўрнашган кишилар, заминдорлар, подшолар, атоқли сиёсий ва ҳарбий саркардалар, машҳур меҳнат, фан, санъат ва маданият арбобларининг номлари, лақаблари топонимга айланади.

Жойларга шахсларнинг номларини бериш қадим замонлардан одат бўлган. Масалан, македониялик Искандар (Александр Македонский — Искандар Зулқарнайн) кўпгина шаҳарларни ўз номи билан атаган (милоддан аввалги 356-323/йиллар). Миср Араб Жумҳуриятидаги Искандария шаҳри ҳануз ўша жаҳонгир номи билан аталиб келади. У Тожикистондаги Хўжанд (Ленинобод) шаҳрини Александрия — Эсхата (Чекка Искандария) деб атаган. Лекин Тожикистондаги Искандаркўл номининг македониялик фотиҳга ҳеч алоқаси йўқ — у бу тоғларга борган эмас; бунинг устига бу тоғ кўлининг номи суғдча Искотар — баланд сўзидан келиб чиққан. Чирчиқ шаҳри яқинидаги Искандар қишлоғи ва Искандар ариқ анҳори эса Романовлар хонадони вакили император Александр III шарафига шундай аталган: подшо Александрни халқ Искандартўра деб атаган эди.

Инқилобдан олдин ҳам шаҳар топонимлари орасида киши исмлари билан аталган топонимлар бўлган, лекин бу қадар кўп эмасди. Чунончи, Тошкентда 20-йилларнинг рўйхатидан бор-йўғи 15 га яқин киши номлари билан юритилган маҳалла-мавзеларни топиш мумкин (Авлайхон ёки Аблайхон, Алматқўшчи, Бадалбой, Болтабой, Мараимхалфа, Мирзаюсуф, Мирзағози, Мурод, Омонбақќол, Тешабой, Турсунсултон, Шопайзиқулоқ, Шоюнусхалфа, Юнусобод, Ҳасанбой). Бу эса барча маҳалла-мавзеларнинг 3-3,5 фоизини ташкил этади.

Ҳозирги Тошкент кўчалари ва маҳаллалари номларида бутунлай бошқа бир манзарани кўрамиз: пойтахтимиз топонимларининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи антротопонимлардир. — Тошкент кўча-кўйларидан 550-600 га яқини киши исмлари билан аталган. Бундай топонимлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ҳузуридаги топонимия комиссиясининг ўтган йил октябрь ойида эълон қилган қарорларидаёқ шаҳар кўчаларидан 20 дан ортиғига киши номлари берилган. Агар жараён шу таҳлидда давом этаверса, орадан чорак аср ўтар-ўтмас шаҳримиз кўчалари нуқул фамилиялардан иборат бўлиб қолади.

Биз ажойиб бир даврда — учинчи мингинчи йиллик арафасида яшаяпмиз. Ҳамма нарсага кенгроқ, юқорироқ нуқтадан қараб, кенг миқёсда мушоҳада юритиш даври келди. Жой номларини ўрганадиган топонимика фанининг қонуниятларидан баҳс этганда дунё топонимика фани тенденцияларини, чунончи, тараққий топган мамлакатларда жойларга ном бериш принципларини ҳам назардан қочирмаслик керак — ўта ривожланган мамлакатларнинг барча соҳадаги тажрибалари бошқалар учун эртами-кечми намуна бўлиб хизмат қилади. Бундай мамлакатларда шахслар эмас, қонун ҳукмрон, ҳар қандай ақлли, билимли киши ҳам ҳокимият тепасида узоқ турмайди, буюк олимлар, артистлар, рассомлар учун ҳам катта иш ҳақидан бошқа ҳеч қандай имтиёз йўқ. Бинобарин, шахсга сиғиниш, илоҳийлаштириш, ўлгандан кейин хотирасини абадийлаштириш учун эҳтиёж ҳам йўқ. Дунёда Нобель мукофотига сазовор бўлган қанча даҳолар бор, қанчалари қайтиш бўлган. Лекин улардан биронтасининг номи топоним шаклида абадийлашгани бизга маълум эмас. Уларнинг ишлари, асарлари, китоблари асрлар оша яшайверади.

Бир мисол: АҚШнинг Флорида ярим ороли мамлакатнинг фожиали ҳалок бўлган президенти Джон Кеннеди (1917-1963) номи билан аталган эди; орадан кўп вақт ўтмасдан қарор бекор қилинди ва шу ердаги космик марказ бўлган синов полигонигина Кеннеди номи билан аталадиган бўлди.

Албатта, ҳар бир мамлакатнинг, ҳатто ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари, қонун-қоидалари бўлмоғи керак. Шу ерда туғилиб ижод қилган буюк кишиларнинг номлари шаҳар кўчаларида бўлмаслиги ҳам тўғри эмас Лекин, ҳар нарсанинг чегараси бўлиши, ҳар қандай қонун иложи борича келажакни ўйлаб амалга оширилиши лозимки, яна орқага қайтишга мажбур бўлинмасин. Бу соҳада айниқса, биз кўплаб аччиқ тажрибага эгамиз.

Совет даврида қанчадан-қанча тарихий шаҳар-қишлоқлар, кўча-кўйларнинг аслий атамалари устидан чизиқ тортилиб, уларни қатағон ва карахтлик даврлари аркони давлатларининг номлари билан аташ эпидемия тусини олмаганмиди? Лекин бу касалликка вақт ҳакамининг ўзи чек қўйди; халқ тарихини ўзида мужассамлаштирган қимматли қадимий номлар бирин-кетин қайтадан тикланмоқда. Ана шу тажрибадан сергак тортиб, бундай номақбул топонимик қилиқни такрорламаслик пайти келмадимикин?

Гап шундаки, харитани пантеонга айлантирмаслик керак. Топоним сўзининг маъноси ҳам «жой номи» демакдир (усмоний турклар «ер одлари», қозоқлар «ер-сув аттари» дейишади), хулоса шуки, ер номлари шахсларнинг исм-фамилияларига айланиб қолмасин.

ТОШКЕНТ кўчаларига кимларнинг номлари қўйилиши керак, деган савол туғилади: биринчи галда пойтахт кўчаларидан тошкентликларнинг, шу ерда туғилиб ўсган ёки узоқ яшаб ишлаган, ижод қилган буюк кишиларнинг номлари ўрин олмоғи шарт. Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода каби шоир-адиблар, Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий, Обид Содиқов каби олим-уламолар, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Охунбобоев каби давлат арбоблари, Тўйчи Ҳофиз, Қори Ёқубов, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев каби буюк артистлар, С. Қосимхўжаев, М. Миршаропов, Н. Тўрақулов каби инқилобчиларнинг ҳаёти ва фаолияти Тошкент билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳаёти ва фаолияти Тошкентда кечган машҳур кишилар анчагина. Масалан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали И. Е. Петров Туркистон ҳарбий округининг қўмондони бўлиб ишлаган, 1945-1952 йилларда шу ерда яшаган. Лекин барибир Тошкентнинг тарихий кўчаларидан Паркент кўчасини Генерал Петров номи билан аталишини маъқуллаб бўлмайди. Оқ гвардиячилар томонидан қатл этилган туркистонлик 14 комиссар (В. Д. Вотинцев, С. П. Гордеев, Е. П. Дубицкий, В. Д. Фигельский, Д. Г. Шпильков ва б.) ҳоклари ҳам Тошкентда. Шаҳар бу каби фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Бундай маълум ва машҳур кишиларсиз Тошкент шаҳрини ва унинг тарихини, шунингдек, Ойбексиз, Ғафур Ғуломсиз, Юнус Ражабийсиз, Ҳабиб Абдуллаевсиз Тошкентни, уларнинг номларисиз Тошкент кўчаларини тасаввур қилиб бўлмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, шаҳарнинг кўча-кўйлари, аввало, ана шу каби тошкентликларнинг номлари билан аталиши шарт. Бу қонуний бир ҳолдир.

Тошкент катта шаҳар, унда машҳур кишилар кўп. Лекин кўча-майдонлар сон-саноқсиз эмас. Юқорида айтилганидек, катта-кичиклари билан бирга 3 мингдан ошмайди. Бунинг устига улар фақат киши номлари билан аталиши ҳам нотўғри. Чунки тикланиши керак бўлган юзлаб тарихий жой номлари бор. Қолаверса, Тошкентнинг асл фарзандлари номларини шаҳар кўчаларидан қайси бирларига бериш масаласи ҳам осон эмас. Профессорлари массивида Қамарнисо, Нозимахоним каби кўчалардан ҳар бири 1, 2, 3 каби номерларга бўлинади. Ана шундай номерли кўчаларни «номсиз» «вакант» кўчалар деса бўлади.

Ўлим ҳақ. Машҳур топонимист Э. М. Мурзаев айтганларидек, таниқли кишиларнинг номларини абадийлаштириш учун вафотидан сўнг маълум вақт, масалан 10-20 йил ўтиши, бу тадбирни марҳумнинг бирон юбилейи муносабати билан амалга ошириш тўғри бўлар эди.

Яхши кишининг номи вафотидан кейин ҳам эъзозланаверади. Буюклик йироқдан яққолроқ кўзга ташланади. Машҳур кишилар хотирасини вақтнинг ўзи абадийлаштиради, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқаради, чор-чўпни шопириб, учириб, асл донни сақлаб қолади. Абу Али ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий номларига ўша пайтларда на бирон қишлоқ, на бирон кент қўйилган. Лекин бу сиймоларнинг номлари бутун башарият дилида тобора кўпроқ абадийлашиб қолмоқда.

Демак, хотирани абадийлаштириш тушунчасининг ўзини бир ўйлаб кўриш керак. Марҳумнинг асарлари нашр этилса, таржимаи ҳоли ҳақида китоблар ёзилса, биографик фильм ишланса, яшаган ёки ишлаган уйига ёдгорлик тахтаси ўрнатилса, ҳайкали ишланса хотираси абадийлашган ҳисобланмайдими? Лекин бунинг учун пул, маблағ керак. Энг осон, энг арзон йўли бирон кўчани ёки қишлоқни марҳумнинг номига қўя қолиш. Шу билан ворисларнинг оғзи ёпилади.

Аслини олганда кўча-кўйлар, қишлоқ-шаҳарлар фақат истисно тариқасидагина киши номлари билан аталиши керак.

Истисно ўз йўлига-ку, Тошкент ўзбек маданияти, тарихининг кўзгуси бўлмоғи керак. Ҳақиқатан ҳам шундай. Шаҳар кўчалари рўйхатида ўзбек фани, маданиятининг бошқа буюк намояндалари номларининг бўлмаслиги ҳам адолатдан эмас. Улар қаерда туғилиб, қаерда яшаб, қаерда вафот этганидан қатъий назар, бутун башарият фани ва маданиятига, хусусан ўзбек халқи маданиятига беқиёс ҳисса қўшишган.

Абу Али ибн Сино, Али Қўшчи, Ал Хоразмий, Беруний, Бобур, Лутфий, Машраб, Муқимий, Навоий, Улуғбек, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби алломалар номлари бутун пойтахтимиз кўча-кўйларини безаб турар экан, шаҳарликлар бу билан ғурурланишади.

Ўзбеклар байналмилал халқ. Бизнинг кучимиз халқлар дўстлигидадир. Ҳақиқий дўст эса дўстининг номини тумор қилиб тақиб юрса арзийди. Топонимлар ана шундай тумордир. Лекин қарс икки қўлдан чиқади. Дўстингиз ҳам сизнинг номингизни улуғлармикин?

Байрон, Бетховен, Гёте, Дарвин, Димитров, Жюлио Кюри, Лафарг... каби жаҳон маданияти намояндалари номлари қандай принципга кўра пойтахтимиз кўчаларидан ўрин олган? (Бу сиймоларнинг хотиралари ўз ватанларида жой номлари шаклида абадийлаштирилганмикин? Шаҳримизда рус олимлари, ёзувчилари, саркардалари, жамоат арбобларининг номлари айниқса кўп учрайди. Бабушкин, Балакирев, Бехтерев, Бородин, Боткин, Гайдар, Герцен, Глинка, Гоголь, Грибоедов, Добролюбов, Жуковский, Зелинский, Карбишев, Кутузов, Левитан, Луначарский, Менделеев, Мусоргский, Немирович-Данченко, Островский, Пржевальский, Пушкин, Римский-Корсаков, Сеченов, Суворов, Тургенев, Фонвизин, Циолковский, Чапаев, Чехов, Чигорин, Шолохов ва бошқалар.

Бошқа қардош халқларнинг маданият ва адабиёт вакиллари номлари ҳам Тошкент топонимиясидан кенг ўрин олган (бу жиҳатдан Тошкентнинг Иттифоқимиздаги бошқа йирик шаҳарлар орасида биринчи ўринда эканлигига шубҳа йўқ). Мана қисқача рўйхати: Абдулла Тўқай, Азизбеков, Аҳмад Дониш, Бердақ, Богдан Хмельницкий, (ҳатто Тарас Бульба), Самад Вурғун, Муса Жалил, Жамбул, Жомий, Жапаридзе, Иван Франко, Якуб Колас, Маҳтумқули, Низомий, Райнис, Шота Руставели, Сайфуллин, Салават Юлаев, Ходи Тақташ, Тўқтағул, Фузулий, Шаумян, Шолом Алейхум, Янка Купала ва бошқалар.

Ҳа, байналмилал дўстлик — улуғ куч. Лекин қўл қўлни ювмоғи керакда. Сиздан у гина, биздан бу гина. Масалан, Иван Франко, Осипенко, Пархоменко, Шевченко, Хмельницкий, Щорс каби украин фарзандларининг номлари Тошкентдан ўрин олган экан, шунга жавобан Киевдан (Навоий кўчасидан бошқа) ўзбек ўғил-қизларидан неча кишининг номларини топа олар эканмиз, деган савол туғилади. Ёки Тошкентнинг энг серқатнов ва узун магистраль кўчаларидан бири Руставели номи билан, яна бири Жапаридзе номи билан аталган экан, айтайлик, Навоий, Файзулла Хўжаев номларини Тбилиси кўчаларидан топа олармиканмиз? Акс ҳолда дўстлик тенг, эквивалентли, мустаҳкам бўлмайди.

ФИЛОЛОГИЯ фанлари номзоди Эркин Жалолов фикрига қараганда, биргина ўтган асрда Тошкентда 100 га яқин шоир-адиблар ижод қилган. Ана шулардан бири нечаси ҳақида қисқача маълумот келтирамиз.

Алмаий Миржалол ўғли Мулла Фазуллоҳ (1850-1895) — ўзбек — араб-форс тилларини бир хилда билган шоир. «Калила ва Димна»ни форс тилидан ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Шоирнинг тахаллуси арабча алма — «нур сочувчи», «зиё тарқатувчи», «ёлқин» деган маънони англатади.

Шоирнинг номи билан аталган кўча тополмадик. Лекин Акмал Икромов районида Алмоний деган кўча бор. «Ўша Алмоний асли Алмаий номининг бузилган шакли эмасмикин?» деган шубҳа туғилди. Чиндан ҳам манбаларда Алмоний тахаллусли шоир, адиб, олим учрамайди. ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти олимлари ҳам бундай тарихий шахсни эслай олмадилар. Бордию ҳалиги тахмин тўғри чиқса, кўча номини «Алмаий» деб ўзгартириш лозим.

Саидҳайбатуллахўжа Саид Орифхўжа ўғли (1880-1945) — шоир, таржимон, ҳаттот, ношир, 4 баёз нашр этган, яна 100 дан ортиқ баёзда шеърлари бор. Бир қанча асарларни, жумладан форс шоири Убайд Зоконийнинг «Мушук ила сичқон» асарини ўзбекчага таржима қилган ва чоп эттирган.

Камий (Каримбек Шарафбек ўғли, 1866-1923) — шоир, маърифатпарвар. Халқни илм-маърифатни эгаллашга чорлаган. Муқимий, Фурқат билан яқин алоқада бўлган ва ғазалларига мухаммаслар битган.

Сидқий Хондайлиқий (1884-1934) — шоир ва ҳаттот. Бўстонлиқ ноҳиясидаги Хондайлиқ қишлоғида туғилиб, Тошкент мадрасаларида таҳсил кўрган. Асарларида чоризм зулмини, халқ қўзғолонларини бостиришдаги ваҳшийликларни фош этган. «Минг бир кеча», «Баҳористон», «Гулистон» асарларини таржима қилиб бостирган; 5 баёз нашр этган.

БУ РЎЙХАТНИ давом эттириш мумкин. Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ҳузурида Топонимика комиссияси бу масала билан чуқур қизиқиб, зарурият туғилганда мутахассис олимларга мурожаат қилиши лозим. Дарвоқе, шаҳар топонимика комиссияси кўча-кўйлар номларини тартибга солиш соҳасида маълум ишлар қилаяпти. Лекин комиссия аъзолари орасида топонимика фанидан хабардор мутахассис олимнинг йўқлиги ҳар қадамда сезилаяпти.

Ҳали бўлса ҳам кеч эмас. Тошкент шаҳар Топонимика комиссияси таркибида масъул котиб бошчилигида ишчи гуруҳ бўлиши, бу гуруҳ шаҳар кўчаларига, корхоналарига, мактаб-маданий муассасаларига ном қўйиш, номларни ўзгартириш, тарихий номларини тиклаш принципларини ишлаб чиқиши, шаҳар объектларига номлари қўйилиши лозим бўлган кишиларнинг рўйхатини тузиб чиқиши керак. Бунда, шаҳар Топонимика комиссияси Ўзбекистон маданият жамғармаси Топонимия кенгашига суяниши мумкин.

Суюн ҚОРАЕВ,
филология фанлари номзоди, Ўзбекистон маданият жамғармаси Топонимия кенгаши раиси.

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕРЛИН. ГДР гражданлари бўлажак ягона ватанларида ўз куч-ғайратларини, малакаларини, тажрибасини, шунингдек барпо этилган қадриятлар туфайли адолатга интилишларини, сабр-бардоши ва бирдамлигини кўрсатишлари мумкин. ГДР Министрлар Кенгаши Раиси Лотар де Мэзьернинг ГДР телевиденииеси орқали эшиттирилган нутқида ана шу ҳақда гап боради. У 1990 йил 1 Май жамиятда чуқур демократик ўзгартишлар амалга оширилаётган даврдаги биринчи байрам эканлигини, бу байрамнинг характерли белгиси кўп жойларда Герман-герман учрашуви режалаштирилганлигидан иборатлигини айтди.

ВАРШАВА. Польша ташқи ишлар министри Кшиштоф Скубишевский Англия дипломатия маҳкамасининг бошлиғи Дуглас Хэрд билан музокара чоғида унга Польша жумҳурияти билан Бирлашган Германия ўртасидаги уларнинг ўзаро муносабатлари негизлари ҳақидаги шартнома лойиҳаси билан бирга нотани топширди.

Шу куни К. Скубишевский СССР ва Франция Ташқи ишлар министрлигига ҳамда АҚШ давлат секретарига йўлланган ана шундай нотаарни СССР, АҚШ ва Франциянинг Варшавадаги дипломатия вакилларига топширди. Бундан олдин ана шундай ҳужжатлар икки Германия давлати ҳукуматларига юборилган эди.

ПАП агентлигининг хабарида таъкидланишича, тўрт буюк давлатга ҳамда икки Герман давлатига моҳияти Польша-Германия ҳозирги чегарасининг узил-кесил характерини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлашдан иборат бўлган шартнома лойиҳасининг топширилиши шу масалада Польша ҳукумати олдин баён қилган муддаосининг амалга оширилишидир ҳамда у Польшанинг Германияни бирлаштириш масаласи юзасидан «икки қўшув тўрт» музокараларининг тегишли қисмида иштирок этиши билан боғлиқ.

ДАМАШҚ. 57 яшар гаровга олинган америкалик Фрэнк Рид Ливан пойтахтининг ғарбий қисмида озод қилинди, деб хабар қилди Сурия Араб Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг масъул вакили шу министрлик ёнида кутиб турган журналистларга.

Ф. Рид 1986 йил 9 сентябрда Байрут халқаро аэропорти ноҳиясида шу вақтгача номаълум бўлган Ал Фажр ал Исломий ташкилоти томонидан гаровга ушланган эди. У ўтган ҳафтада Ливанда озодликка чиққан гаровга олинган иккинчи америкалик бўлди.

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш Вашингтонда тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битим (ГАТТ) воситасини мустаҳкамлаш Япония билан савдо муносабатлари муаммоларини ҳал этиш унинг маъмурияти «савдо стратегияси»нинг «биринчи навбатдаги» вазифалари эканлигини айтди. АҚШ Президенти АҚШ савдо палатасининг йиллик мажлисида сўзга чиқди

Жорж Буш ГАТТ воситаси ҳали ҳам хизмат кўрсатиш, капитал маблағ, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳаларига нисбатан қўлланилмаётганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савда қилишни тартибга солиш системаси ожиз ва кўпинча самарасиз бўлганлиги учун «ГАТТ мустаҳкамлашга муҳтож» эканлигини таъкидлади.

Президент ўз нутқида Америка компанияларини Шарқий Европа мамлакатларидаги операцияларни кенгайтиришга чақирди.

ЛОНДОН. Жанубий Африкада тинчликни ўрнатиш учун мамлакат ҳукумати барча ирқий гуруҳлар — оқ танлилар, африкаликлар, осиёликлар ҳамда «қора танлилар» кўпчилигининг манфаатларини ҳимоя қилиши зарур, деди Кейптаунда Жанубий Африка Республикаси ташқи ишлар министри Рулоф Бота.

Ишончим комилки, бундай тартибга солиш «оқилона ва маданиятли» бўлса, оқ танлилар туб ўзгаришларни қабул қиладилар, деб таъкидлади Рулоф Бота.

(ТАСС).

АҚШ. Бу галги «Америка маликаси» баҳсида омад 28 ёшли Женнифер Жонсонга кулиб боқди. Бошига гўзаллик тожи ярашиқ бу жувон асли Оклахома штатидан. Касб-кори ҳам унчалик довруғли эмас. Бор-йўғи уй бекаси. Соҳибжамоллар синашувида танҳо саналган гўзал Женнифер ғолиблик совриии — 150 минг долларни қўлга киритди. У эндиликда июнь ойида Гонконгда ўтказиладиган «Жаҳон маликаси» кўригида иштирок этади.

Сиз суратда Женнифер Жонсон (ўнгда) ва собиқ малика «Америка маликаси — 89» синови ғолибини кўриб турибсиз.

ТАСС — Рейтер телесурати.



ЯПОНИЯДА ДУНЁДА БИРИНЧИ НИНАЧИЛАР МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

ТОКИО, 3 май. ТАСС мухбири Вадим Егоров хабар беради: Япония жанубидаги Сикоку оролида жойлашган Накамура шаҳрида дунёда биринчи ниначилар музейи очилди.

Ноёб иншоот беш йил аввал маҳаллий экологлар гуруҳининг куч-ғайрати билан барпо этилган ниначилар табиат боғида жойлашган. Музей водий ўртасидан ўтадиган Симанто дарёси шарафига аталган бўлиб, водийда ана шу ўзига хос ягона қўриқхона бор.

Ходимларнинг сўзларига қараганда, музей меҳмонларга ҳарир қанотли ҳашаротларнинг ана шу ажойиб оламини «Билиш, ўрганиш, ҳис этиш ва у билан ўйнаш» имконини беради Илмий бўлимда бутун дунёдан келтирилган ниначиларнинг 3 минг туридан иборат коллекцияси тўпланган. Томошабинлар ойнаванд эшиклар ортидан тирик ниначиларнинг ўйлаб турларини кузатишлари мумкин. Ниначилар 2,7 гектар майдонда ўзларига мослаштирилган муҳитда ўйноқилаб учиб юришибди. Бу ерда махсус адабиётлар кутубхонаси ҳам ташкил этилган бўлиб, энтомолог — олимлар ундан фойдаланишлари мумкин.

Ниначиларни ҳали жиддий тадқиқот объекти сифатида идрок этмайдиган болакайлар учун эса махсус ўйин хонаси жиҳозланган. Бу ерда ҳақиқий ҳашаротлар билан мусобақалашиб, радио билан бошқариладиган «учар аждаҳоларнинг» моделлари чарх уради, болакайларнинг ўзлари ясаган ўйинчоқ ниначилар осиб қўйилган.

Буларнинг ҳаммаси, музей муаллифларининг режасига кўра, ана шу чиройли ҳашаротларни йўқ бўлиб кетишидан ҳимоя қилиш ғоясини оммалаштиришга кўмаклашади. Атроф-муҳитнинг булғаниш жараёни ҳашаротларнинг йўқ бўлиб кетишига таҳдид солмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КУЁВЛАР КЎРИГИ

● БОЛГАРИЯНИНГ Етрополь шаҳрида ҳар йили куёвлар кўриги ўтказилади. Биринчи куни марказий майдонда кўрикнинг барча қатнашчилари йиғилишади. Савол-жавобдан кейин куёвларга махсус дипломлар топширилади. Шундан кейин улар рафиқалари ва қайноналарига садоқат ҳақида қасамёд қабул қиладилар. Эртаси куни эса кучлилик ва чаққонликни намойиш этувчи спорт мусобақалари бошланади. Ғолиблар фақатгина қайнона ва қайноталардан ташкил топган ҳакамлар томонидан аниқланади.

ТАРБИЯНИНГ ҒАРОЙИБ УСУЛИ

● ХОНАДА тўсатдан ўқ овози эшитилди. Ҳамманинг юзи оқариб, кўзлари чиқиб кетай деди ва ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди. АҚШнинг Уэлс шаҳридаги Кеттл Морэйн ноҳиясида жойлашган ўрта мактаб ўқитувчиси худди шу жимликни кўпдан бери орзу қиларди. Ўқ спорт тўппончасидан отилгани учун ҳеч ким жароҳат олмади. «Болалар бечора ўқитувчини шу даражага олиб келишди, — дейди мактаб директори Эрл Брэкке, — энди ўқувчилар синфда ўзаларини яхши тутишар деб ўйлайман».

АНТИҚА КОНКУРС

● ЭРТАСИ КУНИ соат 6 да Мэйджор Брайант одатдагидек иш жойи — «Кюн флауэрз» гул дўконига келди. Бир кун аввал Орландо шаҳрида (Флорида штати) 61 йилдан бери сотувчи бўлиб ишловчи 79 ёшли Мейджор бобо конкурс ғолиби бўлиб, «кексалигига қарамай, илгаригидек юқори унум билан меҳнат қилаётган ишчи» фахрий унвонига сазовор бўлганди. Меҳнат ва хавфсизлик нозирлиги таъсис этган бу унвонни қўлга киритиш учун Флорида штатидан 850 киши қатнашди.

ҚИММАТБАҲО ҚЎҒИРЧОҚЛАР

● КАЛИФОРНИЯ штатининг Оринда шаҳрида яшовчи Питер Малер исмли киши уйи ертўласини тозалаётиб, иккита эски қўғирчоқ топиб олди. Уларни ахлатга ташлаб юборай дедию, лекин фикридан қайтди. Қўғирчоқларни кўрган мутахассис уларнинг ўтган аср ўрталарида Францияда тайёрланганини айтди. Ертўладан топилган эски қўғирчоқлар кимошди савдосида 31 минг долларга баҳоланди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Байрам кунларида



Пойтахтдаги «Ўзбекистон ЛКЁИ 40 йиллиги» маданият ва истироҳат боғида 1 Май байрамига бағишланган халқ сайлидан лавҳалар.
Сураткаш Муҳаммад АМИН.

«Нафосат—90»

СИНОВДАН МАҚСАД НИМА ЭДИ?

Мен саҳнада хиром этаётган санамни афсонавий собукпар қушга ўхшатдим. Қўлларининг ҳар силкувида учишга чоғлангандай. Самоваш ҳарир либосидан зилол нурлар таратиб қалқимоқда. Оҳиста-оҳиста қадамларидан борлиқни эритгувчи сирли наво ҳаволанади. Қарсаклар залворида бошқарувчи унинг ерликларга хос исму-шарифидан дарак беради:

— Шаҳноза Фозилжонова!!!

У эса енгил-енгил қадамлар билан тарк этади саҳнани...

Сиз ўқиётган бу кўриниш Санъат саройида бўлиб ўтган «Нафосат — 90» синашувининг 3-босқичида иштирок этган, санъат кишвари остонасида турган ўн икки иқтидорнинг бири ҳақида, холос...

Аввало «Нафосат — 90» ҳақида. Жумҳуриятнинг турли бурчагидан мойилли ҳаваскорлар ташриф буюрди. Улар 150 нафар эди. Синовнинг биринчи босқичидан 28 нафари ўтолди... Ҳал қилувчи поғонага эса юқорида айтганимиз — 12 раққоса ва раққос етиб келди. Ғоликликка даъволи ғолиблар...

Синовнинг бошланишига ўн беш минут қолган. Қайсар мухбирлик етаклаган кўчада эса ушбу масалалар кўндаланг: хўш, кимлар қатнашиши керак эди? Ҳаваскорлар, албатта. Олис-олис қишлоқларда жажжи укачаси, ёхуд опаси қўлига челагу тоғора бериб болаликдан «Ҳали Қизлархону — Дилафрўз бўламан» деган, лекин пойтахтнинг нигоҳидан четдаги ёшлар кашф этилиши зарур эди... Тағинам соддароқ қилиб айтсак, бу баҳсда «профессионал» раққосалар билан ҳаваскорларни аралаштириш ҳечам шарт эмасди. Мана, сарой эшиги олдида тўпланишган ўша ёшликдан ойнаи жаҳон қаршисида мўлтираб, раққоса опаларга болаларча тақлид қилган, дилига санъаткор бўлиш истагини тугиб юрган, деярли барчаси иккинчи поғонадан қайтган ёшларнинг дегани:

Зулхумор ЖАББОРОВА, Ғузор ноҳиясидан:

— Биз конкурсдан мақсад ҳаваскор ёшлар орасидан ҳақиқий қобилиятлиларни танлаш деб ўйлагандек. Аммо янглишган эканмиз. Ҳали ичкарига кирсангиз, ўзингиз гувоҳ бўласиз... Учинчи босқичдаги 12 кишининг ўнтаси профессионал ижрочилар. Очиғи, ҳакамлар ҳайъатидагиларнинг шогирдлари ёки таниши. Қизиқ, унда нега бизни чақиришади?..

— Синглим, ўзингиз қанақа баҳо олдингиз?

— Иккинчи босқичда биринчи бўлиб саҳнага мен чиқдим. Ҳатто ҳакамлар ҳайъати аъзолари Галия Измайлова, Қундуз Миркаримова, Бахтиёр Валиев, Роза Каримовалар ҳам юқори балл беришди. Негадир ўтолмадим?..

Ҳакамлар ҳайъатига нисбатан дейилган гап нечоғлиқ ҳақиқатлигини билмадим-у, холис киши сифатида шуни айтишим лозим, — Зулхуморнинг куйингани аламзадаликдан деб ҳам ҳисоблай олмайман. Менимча, сўнгги босқичга фақат ҳаваскорлар чиқиши зарур эди. Қолаверса, махсус тайёргарлик кўригидаги ижрочиларнинг айнан шу баҳсда қатнашиши унчалик тўғри ҳам эмас...

Мария САТТОРОВА, синов қатнашчиси:

— Биз ҳаммамиз ҳар жойданмиз. Нафақат менга, балки бошқаларга ҳам бухоролик Сурайё тайёрлаб келган «Бухорача рақс» маъқул тушди. Ачинарлиси, шу қиз нотўғри баҳоланди.

Сурайёни топиш қийин кечмади. Ўзга бир даврада Ўзбекистон радиоси мухбири билан мусоҳаба қурган экан.

— Мен, барибир чиқишим керак эди. Жудаям ишонгандим, ўзимга. Энди нима деб қайтаман уйга. Шу конкурсда ҳеч бўлмаганда учинчи ўринни олиб бораман дегандим.

— Бошқалар, дейлик ҳозир саҳнага чиқадиганлар ғолиб эмасларми?

— Ғолиб. Улар ҳам ғолиб. Лекин ҳаваскор эмаслар... — Сурайё энтикиб сўзлайди. Йиғламсираб микрофондан узоқлашади.

...«Нафосат — 90» нинг учинчи — иқтидорларни саралаш босқичи тўлқинланиб ёзса арзигудай алфозда ўтди. Буни муштарийларимиз, ойнаи жаҳон орқали ҳам кўришлари мумкин... Шу боис бу борада тўхталишга ҳожат ҳам йўқ. Эшитгандан кўрган яхши. Ғолиблар аниқланди: совринлар-да, чакки эмас. Биринчи ўринни эгаллаган Шаҳноза Фозилжонова ҳамда Носиржон Деҳқоновлар капиталистик мамлакатларнинг бирига бепул саёҳат қилишади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлигига номзод. Иккинчиликлар — бухоролик Раъно Екубжонова билан Зулфия Узоқовалар социалистик мамлакатга бепул йўлланма олишади; кейинги ўрин эгалари Азиза Ниёзматова ва Саодат Ҳайиталиева махсус совриннинг соҳибалари. Қолган олти нафар иштирокчи ҳам синов совриндорлари бўлишди.

Бизнингча, бу ерда тақдирланишда бухуд ким нимани кўпга киритганни ҳақида сўзлаб чекланмаслик керак. Иккинчи томондан, синов чиндан ҳам тўғри йўналишда ўтдими? Унда қатнашганларнинг барчаси руҳий мадад ололдими?

Ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА билан бўлган суҳбат мавзуси бу саволларни имконли миқёсда ойдинлаштирди.

— Қизлархон опа, конкурсга нисбатан муносабатингиз?

— Менга кўпроқ ҳаваскорларнинг чиқишлари ёқди. Улар юракдан, самимий ижро этишди. Айниқса, миллийлик кучли уларда. Учинчи босқичдаги профессионал раққосаларга келсак, кўпроқ рақс санъатидан келиб чиққан ҳолда ўз санъатини намойиш этишди. Назаримда, рақс учун энг аввало эркинлик зарур. Кўрган бўлсангиз, бухоролик Сурайёнинг ижроси жуда ажойиб. Менимча, профессионал қизларимиз ҳаваскорлар олдида ўз маҳоратини бугун чуқурроқ англашди.

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон маданият, ҳакамлик ҳайъати аъзоси.

— «Нафосат — 90» зўр бўлди. Профессионалларни қўшмаслик керак эди. Улар шундоқ ҳам таниқли. Фақатгина ҳаваскорлар иштирок этганда яхши бўларди.

Индира ОТАҒУЛАЕВА, синов қатнашчиси:

— Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига ариза ёзиб, ғолиблар орасида бўлмасак ҳам, учинчи босқичда иштирок этдик. Майли, ҳеч бўлмаса ойнаи жаҳонда кўринайлик, дедик. Қорақалпоғистондай жойдан биргина мени юборганлар. Яхши йўнай олмаган, деб ўйлашмайдими?..

Ўн икки нафар учинчи босқич иштирокчилари орасида бошқарувчилар таъбири билан айтганда, конкурснинг «ажойиб иштирокчиларидан» тағин тўрт нафари саҳнага таклиф қилинганди. Демак, бу ҳам ариза эвазига...

Талашув-тортишувлар самараси ижобий томонга йўналганига яхши, шахсан менга саройдаги томошабинлар қатори аризаларга бўлса-да, чиқиш қилган Сурайё Курбонова, Рустам Исмоилов, Саида Курбонова ҳамда Индиранинг рақслари ҳам маъқул тушди. Уларда Қизлархон опа айтгандай, ўзгача бир миллий руҳ ҳоким эди. Қолган ойнаи жаҳон мухлисларига ҳавола.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, «Камолот—89», «Қизиқчи—89», шунингдек, «Нафосат — 90» синовларининг режиссёри:

— Конкурс бизга сабоқ бўлди. Профессионаллар ҳаваскорларни чиндан ҳам бирғаликда жалб этмаслик лозим экан.

— Энди бу маълум томони. Конкурснинг бошқа қийинчиликлари ҳақида гапирсангиз.

— Кейинчалик шу тахлит тадбирларга Маданият вазирлиги бирор театрдан жой берса, билетлар сотилмаса. Хоҳловчилар таклифномалар орқали... Бугунги конкурсимиз ҳам ўз-ўзини қоплови тадбир. Негаки, Санъат саройини конкурс ташкилотчилари ижарага олишган. Уч кунлик ижара ҳақи 6 минг сўмга етди. Шунингдек, афиша ва ойнаи жаҳон кўрилмаларига ҳам пул кетади. Очиғи, томошабинларни кўпроқ жалб этишнинг йўли — хушовоз хонандалар Муҳриддин Холиқов ва Охунжон Мадалиевларни ҳам таклиф қилгандик. Кўрдингиз, улар рақслар орасида чиқиш қилишди.

Дарҳақиқат бугунги тадбир тақозосига кўра менимча икки орада чинакам синов ўтказилмоғи керак. Афишаларда эса «Фақатгина ҳаваскорлар...» деб ёзиб қўйилганлиги кишини ажаблантирмай ҳам эмас...

Жой масаласиникми!.. Режиссёр айтгандай Маданият вазирлиги ўйлаб кўрар. Шу нарса учун ҳам маблағни тиркаш ҳам қайғули, ҳам кулгули...

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

ТВ

5 МАЙ ШАНБА • МАТБУОТ КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 «Ҳужжатли экран». 11.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. В. Распутин. «Омон бўлсанг, унутма». Видеоспектакль. 1-қисм. 11.55 «Бу сирли олам». Очиқ мулоқот. 12.55 «Нафосат гулшанида». Мусиқий кўрсатув. 13.30 «Шаҳризоднинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-серия («Тожикфильм»).

Тижорат кўрсатуви

14.45 «Оролбўйи муаммолари». Хоразм вилоятида якка тартибда уй қуриш.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Пружинқул». Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 18.55 «Қалбида қуёш тафти». Телефильм («Ўзбектелефильм» премьераси). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 20.15 «Оқшом эртаклари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ҳаёт билан ҳамнафас». Матбуот кунига бағишланган кўрсатув ва концерт. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 Жумҳурият ёшлар маркази «Тинереця» халқ ашула ва рақс ансамблининг чиқиши. Кишиневдан кўрсатилади. 8.30 «Сиз яратган боғ». 9.00 «Навбат сизга, артист». Е. Ласько. 9.25 Шеърият лаҳзалари. 9.30 «Ҳайвонот оламида». 10.30 «Спектр». 11.00 Ғалабанинг 45 йиллигига «Маршал Конев ҳақида қисса». Бадиий-публицистик фильм («ЦСДФ»). 13.00 «Россия суверенитети». 4-кўрсатув. 14.00 Болалар учун фильм. «Витта уч баҳо деб» (Болгария). 15.05. Мультфильмлар: «Олтин соч», «Учқур олов». 15.30 «Советлар: ҳокимиятга эришилмоқда». 2-кўрсатув. 16.00 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Солдатлар куйлаганда». Совет қўшиқлари фестивали. Финалнинг 1-тури (23 февралдаги кўрсатув такрорланади). 18.00 Халқаро программа. 18.45 Режиссёр Л. Луков фильмлари. «Икки умр». Бадиий фильм. 1-серия (М. Горький номли киностудия). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Икки умр». Бадиий фильм. 2-серия. 22.40 «Л. Паваротти — СССР Большой театрида». Хайрия концерти. 00.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.30 «Серафим Полубес ҳамда ерлик аҳоли». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 10.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Куннинг узунлиги». Совет деҳқончилигининг тақдири ҳақида (Ростов кинохроника студияси). 10.15 «Қўпиклар». Э. Денисов операси. Чайковский номли Пермь опера ва балет театрининг спектакли. 12.25 «Рассом...» Ригадан кўрсатилади. 12.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 13.00 «Совет Россияси» видеоканали. 15.30 «Оқибат ва сабаблар». Ҳаётимизнинг турли соҳаларига уқувсиз кишиларнинг келиб қолиши сабаблари ва оқибатлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 В. Третьяков раҳбарлигидаги СССР Давлат камер оркестри чалади. 16.30 «Педагогика ҳамма учун». 17.30 «Игорь жангномаси». Мультфильм. 17.55 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.25 «Виват, Россия!». 19.05 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Лисакович фильмлари. «Катюша». 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Дюймчахон». Мультфильм. 1-қисм. 19.45 «Ижодий портрет». Г. Карева куйлайди (такрор.). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Рус рақси». Ҳаваскор рақс ансамблларининг чиқиши. 21.50 «Алоқа узели». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск). 22.15 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Голландия — СССР терма командалари. Голландиядан кўрсатилади. 23.00 «Матбуот клуби намойиш этади» ижодий уюшмаси. «Рус дони». Австрия телевидениесининг СССРда қишлоқ хўжалиги муаммолари тўғрисидаги фильми.

Тунги сеанс

00.25 «Ўтмиш йиллари тароналари». Киноконцерт. 01.15 «Югур, сени ушлаб олишсин». Бадиий фильм («Мосфильм», Венгрия).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 03200.
Д. — 23458.